



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على محمد الأمين وآله وصحبه أجمعين وبعد

НАМОЗ – МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ

Мухтарам жамоат! Бугунги суҳбатимиз Ислом шариатининг беш устунидан бири бўлган намоз ҳамда унинг дунё ва охиратимиз учун аҳамияти ҳақида бўлади. Маълумки, фарз намозлар мусулмон одамнинг меърожидир. У билан киши ўз Парвардигори билан мулоқот қилади. Намознинг кадри қанчалар улуғ, аҳамияти нақадар буюк эканини Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва фикҳ китобларининг энг катта қисми айнан намоз ҳақида сўз юритилишидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Аллоҳ таоло Қуръони каримда 67 марта “намоз” сўзини англатувчи араб тилидаги “ас-солат” сўзини зикр қилиб ўтган ва унга буюрган. Жумладан Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

أَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ (سورة النور / الآية 56)

яъни: “(Эй, мўминлар!) **Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз, зора (шунда) раҳм қилинсангиз**” (Нур сураси, 56-оят).

Қиёматда энг биринчи сўраладиган амал намозлар ҳақида бўлади. Чунки намоз – Ислом динининг устинидир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

“بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَالْحَجِّ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ” (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ وَالْإِمَامُ مُسْلِمٌ).

яъни: **“Ислом беш нарса устига қурилгандир: “Лаа илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ” калимаси, намозни адо этиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳажж қилиш, Рамазон рўзасини туттиш**” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ислом шариатида буюрилган беш маҳал фарз намозларини ўз вақтида ўқилиши лозим. Намоз калимаи шаҳодатдан кейинги энг улуғ фарз ҳисобланади. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَذِكْرُ اللَّهِ أَكْبَرُ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ

яъни: **“Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсдан) улуғдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур”** (Анкабут сураси, 45-оят).

Яна бир ояти каримада Аллоҳ таоло шундай деган:

حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ (سورة البقرة / الآية 238)

яъни: “(Беш вақт фарз қилинган) **намозларни, хусусан ўрта намозни сақлангиз (ўз вақтида ўқингиз) ва (намозда) Аллоҳга бўйин сунган ҳолатда турингиз!**” (Бақара сураси, 238-оят).

Намозни муҳофаза қилиш – бу доимо ўз вақтида адо этиш деганидир. “Ўрта намоз” ҳақида турли фикрлар бор. Кўпчилик уламолар “ўрта намоздан мурод – Аср намози”, – деганлар. Намоз – Аллоҳга итоатнинг бош рамзи бўлганидан оятнинг охирида “Аллоҳга тоат ила қоим бўлинг” дейилмоқда.

Аллоҳ таоло:

فَأَقِمْو الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا (سورة النساء / الآية 103)

яъни: “**Намозни (мукаммал) адо этингиз. Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир**”, – деган (Нисо сураси, 103-оят).

Яъни, намозни муайян вақтларда ўқиш – фарз бўлиб, ўша вақтларидан кечиктириш мумкин эмас.

Мухтарам жамоат! Барча солиҳ амалларнинг аввали – намоздир. Шу боис намозни ҳар қандай ҳолатда тўқис адо этиш – ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бетоб ётган Имрон ибн Хусайнни зиёратига борганларида намозга маҳкам бўлишга буюриб:

"صَلِّ قَائِمًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ" (رواه الإمام البخاري)

яъни: “**Намозни тик турган ҳолда адо этинг. Агар туриб ўқишга қувватингиз етмаса, ўтириб ўқинг. Агар ўтириб ўқишга ҳам мадорингиз бўлмаса, у ҳолда ёнбошлаб ўқинг**” – деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Банда ўз намози ила ўзига омонлик, хотиржамлик ва нажот тилайди. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: افْتَرَضْتُ عَلَى أُمَّتِكَ حَمْسَ صَلَوَاتٍ وَعَهَدْتُ عِنْدِي عَهْدًا أَنَّهُ مَنْ حَافَظَ عَلَيْهِنَّ لَوْفَتِهِنَّ أَدْخَلْتُهُ الْجَنَّةَ، وَمَنْ لَمْ يُحَافِظْ عَلَيْهِنَّ فَلَا عَهْدَ لَهُ عِنْدِي" (رواه الإمام ابن ماجة).

яъни: “**Аллоҳ азза ва жалла: “Мен сизнинг умматингизга беш вақт намозни фарз қилдим. Мен ўзимга ўзим, ким уларни муҳофаза қилиб, ўз вақтида ўқиб келса, албатта, жаннатга киритаман, деб аҳд бердим. Ким уларни муҳофаза қилмаса, Менинг ҳузуримда унга аҳд йўқдир, деди**”, – деб айтганлар (Имом Ибн Можа ривоят қилган).

Банда тириклигида бажарган ҳар бир амали Қиёмат куни бирма-бир ҳисоб қилинади. Намозни вақтида адо этган бўлса, охиратда ютуққа эришади, дўзахдан халос бўлиб, жаннатга киради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"إِنَّ أَوَّلَ مَا يُحَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عَمَلِهِ صَلَاتُهُ فَإِنْ صَلَحَتْ فَقَدْ أَفْلَحَ وَأَنْجَحَ وَإِنْ فَسَدَتْ فَقَدْ

خَابَ وَخَسِرَ... " (رواه الإمام الدارمي والإمام أحمد).

яъни: “**Қиёмат куни банда амаллари ичидан энг биринчи ҳисоб қилинадигани – унинг намозидир. Агар (намози) тўғри (адо этилган) бўлса, аниқ ютуққа эришибди, нажот топибди. Агар (намози) фосид бўлса,**

шубҳасиз, ноумид бўлибди, ютқазибди ...” (Имом Доримий, Имом Аҳмад ривоятлари).

Фарз намозларни рисоладагидек ўқиган одамнинг гуноҳлари кечиради, дилидаги ғуборлар ювилади, руҳий ҳолати яхшиланади. Бу ҳақда Расулulloх саллалллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

" *أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهْرًا بِبَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ حَمْسًا مَا تَقُولُ ذَلِكَ يُبْقِي مِنْ دَرَنِهِ قَالُوا: لَا يُبْقِي مِنْ دَرَنِهِ شَيْئًا قَالَ: فَذَلِكَ مِثْلُ الصَّلَاةِ الْحَمْسِ يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا* " (رواه الإمام البخاري والإمام مسلم).

яъни: **“Биронтангиз эшиги олдидан ариқ оқиб ўтса, у ўша ариқда бир кунда беш маҳал чўмилса, ун(инг танаси)да кир қоладими?”** – деб сўрадилар. Шунда саҳобалар: **“Йўқ, ҳеч қандай кири қолмайди”**, дейишди. У зот: **“Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшайди. Аллоҳ у билан гуноҳларни кетказади”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Мухтарам жамоат! Намоз – мўмин кишининг бу дунёдаги сармоясидир. Шундай экан, ҳар биримиз оила аъзоларимиз ва яқинларимизни ушбу улкан ибодатни ўз вақтида адо этишларига тарғиб қилиб, бунда ўзимиз намуна бўлайлик. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَاصْطَبِرْ عَلَيْهَا لَا نَسْأَلُكَ رِزْقًا نَحْنُ نَرْزُقُكَ وَالْعَاقِبَةُ لِلتَّقْوَى (سورة طه/الآية 132)

яъни: **“Аҳлингизни намоз (ўқиш)га буюринг ва (ўзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг! Сиздан ризқ сўрамаймиз, (аксинча), Биз сизга ризқ берурмиз. Оқибат (яхшилиги) такво (аҳли)гадир”** (Тоҳо сураси, 132-оят).

Айниқса, ҳар биримиз имкон қадар намозларимизни масжидларда жамоат билан адо этишга одатлансак, нур устига аъло нур бўлади. Бу ҳақда Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи васаллам деганлар:

" *صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ أَفْضَلُ مِنْ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً* " (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

яъни: **“Жамоат намози ёлғиз (ўқиган)нинг намозидан йигирма етти даража афзалдир”** (Муттафақун алайх).

Уламои киромларимиз барча савобли ишларда бўлгани каби, бу борада ҳам бизга гўзал намуна бўлганлар. Намозларни жамоат билан адо этишга, айниқса, унда биринчи такбирга етишиб, улкан ажрларга эришишга одатланганлар.

Тобеинларнинг саййиди Саид ибн Мусаййиб раҳимахуллох: **“Эллик йилдирки жамоат намозидаги биринчи такбирни ўтказиб юбормадим”**, – деганлар (**“Ҳилиятул авлиё”**).

Вакиъ ибн Жарроҳ раҳимахуллох саҳобалар ва тобеинларнинг жамоат намозидаги биринчи такбирга ҳарис эканларини кўп эслаб, кишиларни улардан ўрнак олишга ундар эди. Кўпинча: **“Ким жамоат намозидаги биринчи такбирга етишмаса, унинг хайрли иши ривож топмайди”**, – дер эди. Бир куни устози Сулаймон ибн Меҳрон Аъмаш ҳақида сўзлаб шундай деган: **“Аъмаш етмиш йилдирки жамоат намозидаги биринчи такбирни ўтказиб юбормаган эди. Мен у билан икки йил бирга бўлдим ва бирор марта жамоатга кеч қолиб, бирор ракат қазо қилганини кўрмадим”** (**“Тарихи Бағдод”**).

Тобеинлардан яна бири Ибн Жабр раҳимахуллох айтади: **“Саҳобалардан бири намозни жамоат билан ўқигану, биринчи такбирга етиб кела олмаган**

ўғлига насихат қилиб, шундай деган эди: “Жамоат намозида биринчи такбирни ўтказиб юбормаганингда эди, юзта “қора кўз” (зотдор) туядан яхши бўлар эди” (“Мусаннаф”).

Хулоса қилиб айтганда, мусулмон кишининг имонини озиқлантириб, куч бериб, янгилаб турадиган нарса – намоздир.

ИЛОВА: Шаъбон ойи ва ундаги “Бароат” кечасининг фазилати

Шаъбон ойи Рамазон ойига руҳан ва жисмонан тайёргарлик кўриш мавсуми бўлиб, фазилатларга бой бўлган қамарий ой ҳисобланади. Бу ойда одатдагидан кўпроқ нафл рўза тутиш, Қуръон тиловат қилиш ва тунги ибодатларга машғул бўлишга тарғиб қилинган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ойда кўп рўза тутар эдилар. У Зотдан бунинг сабаби сўралганида: **“Бу (Шаъбон) шундай ойки, унда амаллар Парвардигорга кўтарилиб. Мен ҳам амалим кўтарилаётганда рўзадор бўлишни яхши кўраман”**, – деб жавоб берганлар (Имом Насоий ривояти).

Шаъбон ойининг ўн тўртинчидан ўн бешинчига ўтар кечаси “Бароат” кечаси деб номланади. Ушбу тунда кўплаб фазилатларга эга экани борасида кўплаб ривоятлар бор. Жумладан Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, Аллоҳ Шаъбоннинг ярмидаги кечада дунё осмонига тушади ва Калб (қабиласи)нинг кўйлари жунни ададидан кўпроқ кишини мағфират қилади”**, деганлар (Имом Термизий, Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривоят қилган).

Шунинг учун барча фуқаҳоларимиз Бароат кечасини ибодат билан бедор ўтказишни мустаҳаб дейишган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзилар томонидан Бароат кечасида юз ракатли намоз ўқишлиши, унда “Ихлос” сурасини муайян ададда ўқишлиши кераклиги ҳақидаги гап-сўзлар асоссиз эканини уламоларимиз таъкидлашган. Жумладан, Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ бу мавзуга тўхталиб шундай деганлар:

“Билгинки, Шаъбон ойининг ярмида юз ракатли намозни ҳар бир ракатида “Ихлос” сурасини ўн мартадан ўқиб, адо этилиши, унинг фазилати кўп экани борасидаги ривоятлар мавзу – тўқима ҳадислардир” (“Мирқотул мафотих”).

Демак, бундан маълум бўладики, Бароат кечаси учун бирор хос ибодат тайин қилинмаган. Кимнинг кучи ва имкони қайси ибодатни адо этишга етса, ўшани амалга ошираверади. Айниқса, истиғфор, тасбиҳ, таҳлил айтиб, зикр қилиш, дурудун саловотлар айтиш, Қуръони карим тиловати ёки уни эшитиш, ҳадис китоблар мутолаа қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда умумий нафл ва қазо намозларини ўқиш, Аллоҳ таолога дуолар қилиб, ҳожатларини сўраши улкан ажрларга сазовор қилади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни намозни мукамал адо этадиган бандалари қаторида айлаб, Ўзи рози бўладиган ишларга муваффақ айласин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “АМАЛЛАРДА ИХЛОСНИНГ АҲАМИЯТИ” мавзусида бўлади. Жамоатга эълон қилишингизни сўраймиз.